

**АРИПОВА Зухра Джахангировна**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти  
кафедраси мудири в.б.,  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент  
E-mail: aripova.zuxra@mail.ru.

## МИСРДА АЙЮБИЙЛАР ХУКМРОНЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

### УСТАНОВЛЕНИЕ ПРАВЛЕНИЯ АЙЮБИДОВ В ЕГИПТЕ И СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

### ESTABLISHMENT OF AYUBIAN RULE IN EGYPT AND SOCIO- POLITICAL PROCESSES

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада Мисрда ўрта асрларда ҳукмронлик қилган айюбийлар сулоласи даврида юз берган ижтимоий муносабатлар ўрганиб чиқилади. Бу давр Мисрнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам, мафжурасида ҳам чуқур ўзгаришлар бўлганлиги, салибчиларга қарши курашдаги ажойиб ютуқлари билан тавсифланади.

**Калит сўзлар:** Миср, айюбий, ижтимоий, сиёсий, тарих, султон, мамлук, салибчилар.

**Аннотация:** В этой научной статье исследуются общественные отношения, сложившиеся во времена династии Айюбидов, правившей Египтом в средние века. Этот период характеризуется глубокими изменениями как в социально-экономической жизни, так и в идеологии Египта, выдающимися достижениями в борьбе с крестоносцами.

**Ключевые слова:** Египет, айюбиды, социальная, политическая, история, султан, мамлюки, Крестоносцы

**Abstract:** This academic article examines the social relations that developed during the Ayyubid dynasty, which ruled Egypt in the Middle Ages. This period is characterized by profound changes both in the socio-economic life and in the ideology of Egypt, outstanding achievements in the fight against the crusaders.

**Key words:** Egypt, ayyubid, social, political, history, sultan, mamluk, crusaders.

## КИРИШ

Тарихга назар ташланса, ҳар бир тарихий давр, ҳар қайси сиёсий гуруҳ ўз сиёсий манфаатларини тўла-тўқис ифодалайдиган йўлбошчиларни олдинга сурган шахслар бўлганини эътироф этиш мумкин. Муайян тарихий даврларда тарихий шахслар ўз вазифаларининг ёки ўзлари вакили бўлган ҳукмрон сиёсий гуруҳлар вазифаларининг қўллаб-қувватланишига эришадилар ҳамда шундай бир қуроли кучни ярата оладиларки, бу куч ўз ватанини ҳимоя қилиш, ватанини гуллаб яшнаши учун жонини ҳам фидо қила оладиган гуруҳлар шаклланишига олиб келган. Шундай сулолалардан бири Айюбийлар сулоласи ҳисобланади. Улар ҳаттоки, нафақат сиёсий ва ижтимоий, балки диний томондан ҳам Мисрда ўзгариш қила олган ҳукмронлар сифатида қаралади. Бу тарихий жараёнларни ўрганиш ҳозирги кунда долзарб мавзулардан саналади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Шимолий Африкани бошқариб келаётган Фотимийлар Мисрни забт этишга интилишган ҳамда Кахур Ихшиднинг вафотидан сўнг Мисрни қўлга киритишган ва натижада, 969 йилдан Мисрда Фотимийлар бошқаруви бошланган. XII асрнинг ўрталарига келиб Фотимий сулолалари ҳам аста-секин заифлаша бошлаган.

Сурия-Фаластин соҳиллари XI аср охирларидаёқ Эдесса, Триполи, Антиохия амирлиги ва Қуддус киролигини ташкил этган салибчилар томонидан қўлга киритилган. Суриянинг қолган қисми алоҳида араб ва салжуқийлар тасарруфида эди. Имомиддин Занги Ироқ ва Шимолий Сурияни бирлаштириб, салибчиларга жиддий зарба беришга муваффақ бўлиб, унинг қўшини Эвфрат водийсини салибчилардан озод қилди. Бу эса ўз навбатида иккинчи салиб юриши (1147-1149)ни келтириб чиқарган, бунда асосий сиёсий вазият Дамашқни қамал қилишда бўлган, лекин бу уриниш

муваффакиятсизликка учраган. Имодиддин сиёсатини унинг ўғли Нуриддин Махмуд ибн Занги (1146-1174) давом эттирган.

Нуриддин Дамашқ ва Суриянинг бошқа қалъаларини бўйсундира олди. Янада қўшинини кўпайтириш ва жанубдан салибчиларга ҳужум қилиш имкониятини қўлга киритиш мақсадида сургун қилинган Фотимийлар вазири Шавар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баҳонасида, Мисрни бўйсундириш учун ҳарбий ва дипломатик курашни бошлади. Шу мақсадда Нуриддин ўз қўмондони Салоҳиддиннинг амакиси Асадиддин Ширкуҳ бошчилигидаги қўшинларини уч марта Мисрга юборди. Бу хатти ҳаракати билан у Мисрни салибчилар томонидан қўлга киритишини олдини олди. Ширкуҳнинг моҳирона сиёсати туфайли, Қоҳира бошқарув тизимидаги амалдорлар билан дипломатик алоқалари боис, Мисрда унинг катта таъсири сезила бошлади. 1168 йилда вазир Шавар вафотидан сўнг, Фотимийлар сулоласининг охириги вакили Адид уни вазир қилиб тайинлади. Бир йил ўтиб, Ширкуҳнинг тўсатдан вафотидан сўнг, вазирлик лавозими Салоҳиддинга ўтди [8:13].

Салоҳиддин келиб чиқиши, насаби ҳақида кўп нарса маълум эмас. Унинг бобоси Шоди Арманистоннинг Двин вилоятида яшовчи Рабадия қабиласидан бўлган курдлардан эди [6:108]. У икки ўғли Ширкуҳ ва Айюб билан бирга у Бағдоддаги Салжукий Султон Маъсуд саройига боради, сўнг Дажла бўйидаги Текрит қалъасининг ҳокими этиб тайинланади. Шоди вафотидан кейин унинг лавозими Айюбга ўтади. Шундан кейин 1138 йилда Ширкуҳ салжукий жангчисини ўлдириб қўйгач, Текритдан кетишга мажбур бўлган. Жўнаб кетишга чоғланиб турган куни тунда Айюбнинг Салоҳиддин Юсуф исмли ўғли дунёга келади.

Ширкуҳ ва Айюб бир вақтлар Айюб ҳаётини сақлаб қолган Имадиддин Зангига ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Занги ўлимдан қутқариб қолган ҳалоскорларини илиқ кутиб олди ва ака-укаларни хизматида қолдирди. Тез орада Айюб Баалбекнинг ҳокими этиб тайинланди. Кейинчалик у Дамашқни Нуриддин бошқарувига ўтишига эриштира олди. Салоҳиддин Зангилар саройида яшаган

кезларида ҳарбий бўлишга қизиқмаган, ўта саҳоватпешалиги билан ажралиб турарди. Дастлаб Салоҳиддин Ширкуҳни ёрдамчиси бўлишдан бош тортди, аммо Мисрда вазир лавозимига тайинлангач, ўзининг ноёб қобилияти туфайли қўмондон ва жуда моҳир саркардалигини шу қадар тез намоён қилдики, Фотимийлар султони ўзига бўйсунмас бундай лашкарбошини фитналар ёрдамида йўқ қилишга уринди [8:13]. Шунга қарамай, унинг бу уриниши натижасиз бўлди.

1171 йилда Салоҳ ад-Дин Айюбий курд мамлукларидан тузилган ҳарбий қўшин ёрдамида Миср ҳукмдори бўлади. 1171 йилдан бошлаб Айюбийлар сулоласи ҳукмронлиги даври бошланди. 1174–1175 йилларда Бағдод халифаси Муътазиддин (1170–1180) Мисрда Салоҳиддин Айюбий ҳокимиятини қўллаб-қувватлаб, унга султонлик мансабини берди ва ҳуқуқий томондан ҳам тасдиқлади [5:278]. Бу султон Салоҳиддин ва унинг издошлари мустақил давлатни бошқаришини англатарди. Уларнинг обрў-эътибори ошишига асосан диний омил сабаб бўлган. Зеро, Айюбийлар сулоласининг асосчиси биринчи навбатда фотимийлар даврида жорий этилган шиъа йўналишини сиқиб чиқариб, суннийликни қайтаришга қарор қилди ҳамда фотимийларнинг Мисрдаги ҳукмронлик қолдиқларини тамомла йўқотиб, улар ўрнига ўзининг суннийлик сиёсатини киритишга муваффақ бўлди [4:10-15]. Бу таълимотнинг тарқалишига суфийлар ҳам катта ҳисса қўшганлар.

1170 йилда Мисрда суннийлар таълимоти асосларини ўргатишга қаратилган янги кўринишдаги мадраса очилган. Ўрта аср тарихчилари ва замонавий тадқиқотчилар томонидан Салоҳиддиннинг ўзи, унинг амирлари, бой савдогарлар, таниқли олимлар, зодагон оилаларнинг аёллари мадраса асосчилари сифатида талкин қилинади.

Нуриддин сиёсатини давом эттириб, Салоҳиддин салибчиларга қарши муқаддас уруш қилишга ваъда берди ва шу вақтдан бошлаб, унинг барча фаолияти шу мақсадга йўналтирилди. Аввало, Салоҳиддин ер эгаллигини кенг тақсимлаш орқали Миср армиясининг моддий базасини мустаҳкамлади. Фотимийлар

бошқарув тизими секин аста сиқиб чиқарилди. Салоҳиддин мустақил ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ биринчи фатҳлар амалга оширилди: 1172-1173 йилларда қўмондон Баҳоиддин Қорақуш ат-Тақовий Африка қирғоғидаги Барка ва Триполини, 1174 йилда Салоҳиддин Туроншоҳнинг укаси бошчилигидаги Миср қўшини Яманни забт этди. Ушбу иккала юришнинг асосий мақсади Салоҳиддин Нуриддинга қарши курашда мағлуб бўлган тақдирда бошпана ҳозирлаш эди, аммо, ўша йили Нуриддин вафот этди. Нуриддин вафотидан сўнг 1174-1186 йилларда унинг Суриядаги ер-мулкларини ва Ироқдаги айрим майда ҳокимларга тегишли ерларни олган.

Салиб юривчилар бу билан чекланмай, 1189 йилда инглиз қироли Ричард Львиное, Германия императори Фридрих I Барбаросс ва француз қироли Филипп II Август бошчилик қилган учинчи салиб юришини бошладилар. Улар уруш бошланганида ўрталарида келишмовчилик бўлган, бироқ, бу сафар ҳам салибчи Европа рицарлари Муқаддас заминни мусулмонлардан озод қилишга аҳд қилгандилар. 1190 йилда рицарлар муҳим Кония шаҳрини (Икониум) эгаллаб олишди, аммо Германия императори Фридрих I Барбаросс бу жангда вафот этиши натижасида унинг қўшини парчаланиб кетди.

1191 йилда инглиз ҳамда французлар икки йиллик қамалдан сўнг, қадимий порт шаҳри Акрани эгаллаб олишди. Унда Миср султониға берилган қасамни бузган Гвидо де Лузиньяна қўшинлари қамал ва ҳужум қилишда қатнашдилар. Акра қўлга киритилгандан сўнг, француз қироли Филипп II Август шуҳрат қозониб, ватанига жўнаб кетди.

Яқин Шарқдаги учта монарх қўмондонлиги остида салибчилар қўшинининг янги босқинидан хавотирга тушган Султон Салоҳиддин яна катта Миср армиясини тўплади ва насроний рицарлигига қарши курашмоқчи бўлган барчани ўз байроғи остида бирлаштирди. Инглиз қироли Ричард Львиное ва Миср султони Салоҳиддин Айюбий қўшинлари ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1191 йил 7 сентябрда Арсуфда бўлиб ўтди.

Жангни биринчи бўлиб Салоҳиддин бошлаб берди. 1192 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган

учрашув чоғида Учинчи салиб юриши Миср султони Салоҳиддин ва инглиз қироли Ричард Львиное билан уч йиллик сулҳ тузиш билан якунланишига сабаб бўлди. Бу келишув албатта узок йиллар давом этган тинчлик шартномаси сифатида эътироф этилади. Унинг душманлари, салибчилар урушда Салоҳиддин Айюбининг чинакам жасур хатти-ҳаракатларини ва асирларга нисбатан саховатли муносабатини қайд этганлар. У на қонхўр шарқ босқинчиси, на маданий қадриятларни йўқ қилувчи эди. Салоҳиддин Айюбийнинг шахсияти Учинчи салиб юривчилари билан бўлиб ўтган урушни тасвирлаган ёзувчиларда моҳир саркарда сифатида тасвирланади.

Шуни эътироф этиш керакки, бошқа жиҳатдан эса Салоҳиддин Айюбий салибчиларга қарши олиб борган изчил кураши мусулмонларнинг диний қарашларига кучли таъсир кўрсатди ҳамда курд, турк ва арабларни умумий ғоя атрофида бирлаштирди. Натижада, у салибчиларни босиб олинган кўпгина минтақалардан (баъзи денгиз олди минтақаларидан ташқари) қувиб чиқарди. Бу курашларда у қўшинни сонини доимий равишда мамлуклар ҳисобига ошириб борди. Шундай қилиб, Салоҳиддин Айюбий аббосийлар халифалиги қўл остига Миср, Ҳижоз, Яманни бўйсундира олган, фотимийлар сулоласи бошқарувини якунлашга ҳисса қўшган саркарда сифатида намоён бўлади. У салиб қўшинларига қарши бир қатор юришлар ва жанглар олиб бориб, Фаластин ва Ливан ерларининг кўп қисмини, шу жумладан Қуддусни қайтариб олишга муваффақ бўлди.

Султон Салоҳиддиннинг 1193 йил вафотидан сўнг бундай катта мамлакатга ҳукмронлик қилган ўғиллари ва акаси Одил давлатни ўзаро бўлиб оладилар: катта ўғли Афзал – Дамашқда, Азиз – Мисрда, Зоҳир – Ҳалабда ва акаси Одил эса Месопатамияда ҳукмронликни ўз қўлларига олдилар. Ўзаро курашларга таянган айюбийларнинг мамлукларга эҳтиёжлари янада ошди, бунинг натижасида уларнинг сони ва эътибори ортиб, ўз навбатида улар бошқарув масалаларига ҳам аста-секин аралаша бошладилар. Халифаликни ишончли ҳимоясини таъминлаш учун Салоҳиддин

ҳарбий ислоҳотларни амалга оширган. Бунда мисрлик-суданлик қўшин ўрнига курдлар ва туркман, хоразмликлар қўшинлари тузилган. Ушбу мамлукларга иқтоъ (ҳарбий хизматни тугатгач берилувчи ер) ажратилган. Ерларни Миср амирларидан олинган. Бунинг натижасида норозилик ғалаёнлари кўтарилгач, қўзғалон шафқатсизларча бостирилган.

Айюбийлар сулоласининг иккинчи султони Одил Салоҳиддиндан мерос бўлиб ўтган империяни сақлаб қолди ва Қоҳира қалъасини қўшимча равишда кучайтирди. унинг шарқий томонида икки минора курдирди. Тўғри, Одил ҳам Салоҳиддин сингари Мисрга камдан-кам ташриф буюрган ва биринчи бўлиб, Қалъага кўчиб ўтган Салоҳиддиннинг жияни Комил бўлиб, у 1218 йилдан 1238 йилгача ҳукмронлик қилган. Қалъада сарой ва отхоналар курдирган, афсуски, улар ҳозиргача етиб келмаган. Шунга қарамай, Султон Комил кейинги саккиз юз йиллик анъаналарнинг асосчиси ҳисобланади, чунки ундан кейин барча султонлар Қалъада – XIX асрнинг ўрталарига қадар яшаган (ва қалъа 1983 йилгача ўз ҳарбий аҳамиятини сақлаб қолган).

Комил, шунингдек, Ўрта асрлар Қоҳирасининг энг йирик некрополларидан бирига асос солган. 820 йилда вафот этган пайғамбаримиз (с.а.в.) амакисининг авлоди, тўрт сунний маросимнинг асосчиларидан бири Имом аш-Шофийнинг қабри устида барпо этган мақбара бугунги кунгача ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинади.

1240 йилда мамлук ҳарбийлар Одил II ни тахтдан ағдариб, ўрнига султон Солиҳ Нажмиддинни (1240-1249) қўйдилар. Янги султон мамлуклар сотиб олиш ва уларга шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратди. Ўрта аср тарихчиси Ал-Айнийнинг таъкидлашича, Солиҳ Нажм ад-Дин Айюбий "... турк мамлуклари сонини шунчалик кўпайтирган эдики, ҳеч бир султон бунчалик кўп йиғмаган эди, у турк мамлукларидан ташкил топган қўшинни Қоҳиранинг жанубий чегараларидаги ар-Равда оролига жойлаштирди ва шу даврдан бошлаб, уларни "Баҳрий мамлуклар" деб атаб бошладилар" [9:158-166].

1250 йилда Султон Туроншоҳнинг ўлими Мисрга хавф солиб турган Людовик IX ва

мўғулларнинг таҳдиди вақтига тўғри келди. Бу эса ўз навбатида ушбу таҳдидларга қарши туришни талаб қилар эди. Шунда 1249–1250 йиллардаги ал-Мансур минтақасида француз кироли Людовик IX қўшинларини енгилда баҳрий мамлук қисмлари кучли эканликларини намоён қилишди. Шундай қийинчилик даврида Мисрнинг эътиборли кишилари тахтга Шажарат ад-Дурни лозим кўрадилар [10:36]. Шажарат ад-дурни аббосий халифа Мустаъсим Биллоҳ Бағдоддан Қоҳирага Нажмиддин Айюбийга совға сифатида юборган эди. Айюбий тахтга ўтиргач, Шажарат ад-Дурнинг ҳам мартабаси ошди уни Айюб кулликдан озод қилиб, унга уйланди.

Шажарат ад-Дурр Ал-Солиҳ Айюбга ўғли туғиб берган. Лекин у болалигида вафот этганига қарамай, уни Умм Халил деб аташган. Эҳтимол, Шажара ад-Дурр ўзи асли келиб чиқиши жория бўлганига, Айюбийлар наслидан келиб чиқмаганлигини ҳис қилгандир. Шунинг учун у ҳукм чиқаришга қонуний жихатдан ҳақ ҳуқуқи йўқдир. Шажар ал-Дурр бир томондан "Умм Халил Ал-Солиҳийя" деган номни оқлашга интилган бўлса, бошқа томондан турмуш ўртоғи Айюбийлар сулоласи шаънини ҳимоя қилишга ҳаракат қилди [1:13]. Шажарат ад-Дурр марҳум султон Солиҳ Нажмиддин Айюбнинг туркий лашкарбошилари ва амирлари Бейбарс, Октой, Ойбек, Қутуз ёрдамида салибчиларга қарши шиддатли кураш уюштириб, улар устидан ғалаба қозонган.

Шундай қилиб, Султона Шажарат ал-Дурр дуч келган хавф таъсиридан халос бўлишга муваффақ бўлди. Бирок, буларнинг барчаси Шажарат ад-Дуррни ўша даврдаги сарой айёёнлари уни қўллаб-қувватлаши учун етарли эмас эди, чунки биз учун сир эмаски, янги Султонани биринчи навбатда аёл киши эканлиги ва мусулмонлар ўзларига аёллар ҳукмронлик қилишини ёқтирмасликлари маълум. Афтидан, Шажар ал-Дурр бу ҳолатни ҳис етиб, у сарой айёёнларига яқинлашишга ҳаракат қилиб, уларга мартабалар ва совға саломлар берди, шу билан бирга уларни ишончини ва унга нисбатан меҳрини қозониш мақсадида солиқларни камайтирди ва умуман олганда, яхши сиёсатни ўрнатди [7:89].

Унинг номи Бағдоддаги халифа номидан кейин Миср масжидларида хутба вақтида зикр этилган, олтин тангаларга зарб қилинган. Бу тангалардан биттаси Лондондаги Британ музейида сақланиб келинмоқда [2:119]. У 80 кун давомида Мисрни бошқарган. Унинг бош маслаҳатчиси амир Ойбек эди. Маълумки, ислом давлатларида “хукмдор аёл киши бўлиши мумкин эмас” – деган қараш бор. Мусулмон умматининг раҳнамоси бўлган Бағдоддаги аббосий халифа ал-Мутаъсим аёл кишини давлат бошқаришига фатво бермайдиган ва жиддий норозилигини билдиргач, у бош кўмондон Ойбекка турмушга чиқишга мажбур бўлади. Му‘из ад-дин Ойбек ат-Туркманий 1250 йилда тахтга ўтиргач, энди бевосита мамлуқлар бошқаруви даври бошланди.

### ХУЛОСА

Демак, Салоҳиддиннинг томонидан тузилган Айюбийлар сулоласи Мисрда саксон йил давомида ҳокимият тепасида бўлган. Салоҳиддин ва унинг ворислари ўзларини султонлар деб атаётган бўшладилар ва шу билан уларнинг ҳукмронлиги дунёвий эканлигини аниқ кўрсатиб бердилар. Салоҳиддин Айюбий Миср, Ҳижоз, Яманни бўйсундира олган, фотимийлар сулоласи бошқарувини якунлашга ҳисса қўшган саркарда сифатида намоён бўлади. У Мисрда фотимийлар даврида бўлган шиаликни сиқиб чиқариб, ўрнига суннийликни киритган ҳукмрон сифатида эътироф этилади. Салоҳиддин салиб кўшинларига қарши бир қатор юришлар ва жанглар олиб бориб, Фаластин ва Ливан ерларининг кўп қисмини, шу жумладан Қуддусни қайтариб олишга муваффақ бўлган ҳукмдордир.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абд ал-Фаттоҳ Ашур. Ал-Аср ал-мамлукий фи Миср ва-ш-Шом. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабия, 1965. – 498 б.
2. Аҳмад Мухтор Ал-Ибодий. Қиём давлат ал-мамолик ал-уло фи Миср ва-ш-Шом. – Искандария: Ал-муассаса аш-шаббаб ал-жоми‘, 1982. – 323б.
3. Бадр ад-Дин ал-Айний. Ақд ал-Жамон фи тарих аҳл аз-замон. – Қоҳира: Даар ал-кутуб ал-қавмия, 4 жилдлик. 2010.
4. Жамол ад-дин Сурур. Давла аз-Зоҳир Бейбарс фий Миср. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1993.
5. История стран Азии и Африки в средние века. М., 1969. – 608 с.
6. Minorsky V. Studies in Caucasian history. III. Prehistory of Saladin, London, 1953. – P. 107-139.
7. Мухаммад ибн Аҳмад ибн Ййёс. Китоб тарих Миср ал-машхур би бадое‘и аз-зухур фи виқои ад-духур. 10 жилдлик. – Қоҳира: Кутуб ал-Ҳайъа ал-Мисрия, 1982.
8. Семенова Л.А. Салах ад-Дин и мамлюки в Египте. – М.: Наука, 1966.
9. Хасанов А.А. Формирование черкесской группировки мамлюков в Египте // Арабские страны, Турция, Иран, Афганистан. История, экономика, М., 1973. – С. 158-166.
10. Хасан Али Иброҳим. Тарих ал-мамолик ал-бахрия – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисрия, 1967. – 526 б.